


## «KAPITAL SUG'URTA»

очик акциядорлик жамияти  
Акциядорлари йиллик умумий  
йиғилишининг

2014 йил 6 июндаги баённомаси билан

«Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н»

Йиғилиш раиси:

 Отахонов Ф.Х.

2014 йил «6» июнь

### «Kapital Sug'urta» акциядорлик жамиятининг Ижроия органи тўғрисидаги Н И З О М (янги таҳрири)

#### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом «Kapital Sug'urta» акциядорлик жамияти (*бундан буён матнда жамият деб юритилади*) ижроия органининг мақомини белгилайди ва унинг ишини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.
2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) ҳамда «Kapital Sug'urta» акциядорлик жамияти Уставига (*бундан буён матнда жамият Устави деб юритилади*) мувофиқ ишлаб чиқилган.

#### II. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

3. Жамият кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати жамиятнинг ижроия органи – бош директор томонидан амалга оширилади.
4. Жамиятнинг ижроия органи Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тузилади. Жамият ижроия органини ўз лавозимиغا Кузатув кенгаши қарори билан бир йил муддатга тайинланади ва кейинчалик Акциядорлар умумий йиғилиши тасдиғига киритилади.
5. Кузатув кенгашининг қарорига кўра жамият бош директорини тайинлаш танлов асосида амалга оширилишини мумкин.
6. Жамият бош директорининг, ишончли бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча қонун ҳужжатларида, жамият Уставида ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлигини тўғрисида ҳар йили жамият Кузатув кенгаши

томонидан қабул қилинади ва кейинчалик Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

7. Жамиятнинг бош директори, ишончли бошқарувчи билан тузиладиган шартномада уларнинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

8. Жамиятнинг бош директорига тўланадиган ҳақ миқдори, шунингдек ишончли бошқарувчининг хизматларига ҳақ тўлаш шартлари жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

9. Жамиятнинг бош директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

10. Жамият бош директори лавозимига номзодларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш Кузатув кенгаши томонидан шахсий тартибда амалга оширилади. Номзод жамиятга ўзи жинойий жавобгарликка тортилганлиги фактлари тўғрисида маълум қилиши шарт.

11. Жамият бош директори лавозимига у ёки бу номзодни тавсия этар экан, Кузатув кенгаши раиси шартнома тузиш шартлари ва номзоднинг шахсий аризаси билан тасдиқланган шартнома тузишга номзоднинг розилиги тўғрисида ахборот беради.

12. Жамиятнинг бош директори лавозимига номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқиляётганда Кузатув кенгаши мажлисида қатнашишлари мумкин.

13. Жамиятнинг бош директор лавозимига номзодлар кўриб чиқилганда ва тасдиқланганда қарор мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

14. Жамият Кузатув кенгаши жамиятнинг бош директори, ишончли бошқарувчи билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

15. Жамият Кузатув кенгаши жамиятнинг бош директори, шунингдек ишончли бошқарувчи билан тузилган шартномани, агар улар жамият уставини кўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

### III. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

16. Жамият бош директорининг ваколатларига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, жамият Акциядорларининг умумий йиғилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколатларига кирган масалалар бундан мустасно.

17. Бош директор жамият Акциядорларининг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади, лавозим йўриқномасида белгиланган ваколатлар, тузилган шартнома шартлари, жамият Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгашининг кўрсатмалари доирасида иш тутади.

18. Бош директорнинг ваколатига қуйидагилар киради:

жамият Устави ва Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ифодалаш;

жамият номидан битимлар тузиш, жамиятнинг филиали ва ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

штатларни тасдиқлаш, жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомига риоя қилинишини таъминлаш;

жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномалар бериш;

жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш; амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

19. Бош директор қуйидагиларга мажбур:

ўз ваколати доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш, фақат Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно;

Акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият Кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

жамиятда шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;

жамият фаолиятини ривожлантириш учун зарур бўлган миқдорда фойда олинишини таъминлаш;

жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

жамият фаолиятида қонунийликни таъминлаш;

жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

жамият Тафтиш комиссияси ва жамият ички аудиторининг талабига кўра жамият молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тўсиқсиз тақдим этиш;

жамият ёки унинг фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни сақлаш;

хизмат ёки тижорат сири ҳисобланган ахборотнинг жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;

жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, жамият ходимларининг билимлари, малакалари, тажрибалари ва қобилиятларидан яхшироқ фойдаланиш юзасидан чора-тадбирлар кўриш;

меҳнат ва технология интизоми сақланишини, ижтимоий кафолатларга риоя қилинишини ва жамият ходимлари меҳнати муҳофаза қилинишини таъминлаш;

жамоа музокараларида иш берувчининг вакиллари қатнашишини таъминлаш. Жамоа шартномалари ва битимларини тузишда иш берувчи сифатида иш кўриш. Жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;

ўз ваколатига кирувчи ишлар тўғрисидаги ахборотни Акциядорларнинг умумий йиғилишига ва Кузатув кенгашига белгиланган муддатларда тақдим этиш;

Кузатув кенгаши билан узоқ муддат давом этадиган хизмат сафарларини ва таътиллардан фойдаланиш вақтини келишиб олиш. У узоқ вақт бўлмаганда унинг вазифаларини бажарувчи шахс тўғрисида Кузатув кенгашини хабардор қилиш; қонун ҳужжатлари, жамиятнинг ижроия органи тўғрисидаги низом ва бош директор билан тузиладиган меҳнат шартномасида кўрсатилган бошқа мажбуриятлар.

## 20. Бош директорнинг ҳуқуқлари:

қонун ҳужжатлари, жамият Устави ва бош директор билан тузиладиган меҳнат шартномаси билан унинг ваколатига киритилган жамият жорий фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалаларни мустақил равишда ҳал этиш;

жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан бошқа ташкилотлар ва органлар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалаш, банкларда жамиятнинг вакиллик, валюта ҳисоб-рақамлари ва бошқа ҳисоб-рақамлар очиш, битимлар тузиш, фақат Акциядорларнинг умумий йигилиши ва Кузатув кенгаши ваколатига киритилган битимлар тузиш бундан мустасно, мазкур Уставда келишиб олинган доирада мол-мулк ва пул маблағларини тасарруф этиш, шартнома ва контрактлар тузиш, ишончномалар бериш ва ёзишмалар олиб бориш;

жамият штат жадвалини тасдиқлаш, ходимлар билан меҳнат шартномалари тузиш ҳамда уларни ўзгартириш ва бекор қилиш;

жамоа музокараларида ва жамоа шартномаларини тузишда жамият номидан иш кўриш;

ўз ваколатига киритилган масалалар бўйича жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

жамият ходимларини рағбатлантириш;

жамият ходимларидан ички тартиб қоидалари, Жамиятда амалда бўлган бошқа қоидаларнинг, шунингдек меҳнат шартномаси шартларининг бажарилишини талаб қилиш. Жамият ходимлари томонидан меҳнат интизоми бузилган ҳолларда жамият ходимларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш;

жамият ходими билан меҳнат шартномаси тузишда унинг учун жамиятнинг хизмат ва тижорат сири ҳисобланган маълумотлар ҳажми ва таркибини аниқлаш;

ўз ваколатига кирувчи айрим масалаларни ҳал этишни бошқа мансабдор шахсларга – бош директор ўринбосарларига ва таркибий бўлинмаларнинг раҳбарларига топшириш;

қонун ҳужжатлари, ушбу Низом ва бош директор билан тузиладиган меҳнат шартномасида кўрсатилган бошқа ҳуқуқлар.

21. Ижроия органи раҳбарининг аниқ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тегишли шартномада у билан олдиндан келишиб олинади.

## **V. ЖАМИЯТ БОШ ДИРЕКТОРИ, ИШОНЧЛИ БОШҚАРУВЧИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**


22. Жамият бош директори, ишончли бошқарувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

23. Жамият бош директори, ишончли бошқарувчи қонун ҳужжатларига ва жамият Уставига мувофиқ жамият олдида жавобгардир.

24. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан бош директор, ишончли бошқарувчи устидан судда мурожаат қилишга ҳақли.


**Келишилди:**

Бош директор



Л.Ш. Халимтаев

Бош директорнинг биринчи  
ўринбосари




Ж.Р. Камбаров

Бош директорнинг ўринбосари



С.С. Халилов

Бош бухгалтер



Р.З. Абдуразаков

Юридик департамент юрисконсулти



Ф.Т. Джураева